

ЁШЛАР КАМОЛОТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ

Жаҳонгир Ҳакимжанович Ганиев

Ўзбекистон давлат хореография академияси ўқув ишлари бўйича проректори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда қадимдан таълим – тарбия ва миллий маънавият доимо узвий алоқада бўлганлиги ва уларнинг умумбашарий қадриятлар билан биргаликда ривожланганлиги, таълим-тарбиянинг миллий маънавий негизлари, маънавий-ахлоқий тарбия ва унинг асосий таркибий қисми, маънавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар, жамиятда маълум ижтимоий - ахлоқий талабларга мос ахлоқий ҳислатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқиға мувофиқ ва таълим тизими шакллантирилгани баён қилинган.

Калит сўзлар: маънавият, миллий, таълим, тарбия, ахлоқ, одоб, хулқ, қадрият, жамият, ижтимоий, ўқувчи, талаб, онг, ҳиссиёт, негиз, Ватан, Давлат, сиёсат, қонун, Миллий дастур, Президент, халқ, инсон, тараққиёт.

THE ROLE OF EDUCATION AND NATIONAL SPIRITUALITY IN THE IMPROVEMENT OF YOUTH

ABSTRACT

This article asserts that education and national spirituality have always been inextricably linked in our country and developed together with universal values, national moral foundations of education and upbringing, spiritual and moral education and its main component, spiritual and moral education and the requirements imposed on it, in order to form a moral image corresponding to certain social conditions.

Keywords: spirituality, national, education, upbringing, morality, manners, behavior, value, society, social, reader, demand, consciousness, emotions, basis, Vatan, state, Politics, Law, national program, President, People, person.

КИРИШ

Бугунги кунда дунёда кескин ижтимоий – сиёсий ўзгаришлар юз бераётган вақтда таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизларига бўлган эътибор муҳим аҳамият касб этаётганлигини кўришимиз мумкин. Шу ўринда шарқда азалдан

таълим – тарбия ва миллий маънавиятнинг доимо узвий алоқада бўлганлигини эътиборга олишимиз ва умумбашарий кадриятлар билан биргаликда ривожланиш сари қадам ташлашимиз лозимлигини унутмаслигимиз даркор.

Маълумки, жаннатмакон Ватанимиз инсоният тамаддунининг бешикларидан бири ҳисобланади. Археологик тадқиқотлар ва тарихий изланишлар шундан далолат берадики, ушбу заминда истиқомат қилган аждодларимиз узок ўтмишда ҳам ҳунармандчилик, санъат, қурувчилик, илм-фан, таълим – тарбия соҳаларида улкан натижаларни қўлга киритганлар. Бугунги ёш авлод ҳақли равишда буюк бобокалонларимиз Маҳмуд Қошғарий, Бурҳониддин Рабғузий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким ат-Термизий, имом Бухорий, Мир Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби табаррук номларни фахр билан тилга оладилар. Уларнинг инсоният илму фани, ахлоқий тарбиясига қўшган ҳиссалари бебаҳодир. Қолаверса, диёримизда қад кўтарган ва минглаб муҳандислар, қурувчиларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига қад кўтариб, ҳали ҳамон дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган меъморий обидалар ҳам юксак билимни, маҳоратни талаб қилгани сир эмас.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юртимиз ҳудудида азалдан таълим ва тарбияга бир-биридан ажралмас узвий боғлиқ тушунчалар сифатида қаралган. Бунга албатта, ўзига ҳос ижтимоий, сиёсий ва тарихий шарт-шароитлар сабаб бўлган. Асрлар мобанида шаклланган устоз-шогирд тизими, таълим-тарбия ишлари миллий – маънавиятимиз билан ҳамо-ҳанг ҳолда олиб бориши натижасида, у ахлоқ-одоб нормалари билан бойитилди ва бугунги кун кўрсатиб тургандек тарихда ўзини оқлади. Буюк бобколларимиз Маҳмуд Қошғарий, Бурҳониддин Рабғузий, ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Ҳаким ат-Термизий, имом Бухорий, Мир Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Ибрат, Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. “Каримовнинг Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарлари ҳамда Президентимиз Ш.М Мирзиёев асарлари ва ҳар йили Олий Мажлисга Мурожаатномаларида Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий - маънавий негизлари, аждодларимиз томонидан бу соҳада қолдирилган улкан мерос ва тажрибалардан тўғри фойдаланиб, комил инсонни тарбиялашда, таълим

ва тарбияда инсон омилини биринчи ўринга қўйиш масаласи ҳақида атрофлича фикрлар юритилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек халқининг бой ўтмиши ва унда таълим – тарбиянинг ўрни тўғрисида Президентимиз куйидаги фикрлари диққатга сазовордир: “Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Исботталаб бўлмаган ушбу ҳақиқат давлат сиёсати даражасига кўтарилиши зарур. ... Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч маърифатдир. ... Ақл заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсаккина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади”. [1].

Жамиятда кечаётган ижтимоий, хусусан таълим соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлиги унинг фуқаролари эга бўлган маънавиятга боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда жамият ривожланишининг маънавий-ахлоқий негизлари аниқ белгилаб олинди. Булар:

- умуминсоний кадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.[2].
- Зеро, жамият ривожланиши фақат унинг иқтисодий тараққиётинигина эмас, балки маънавий юксалишини ҳам тақозо этади.

Ҳар қандай мафкура каби Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам жамиятда маънавий-ахлоқий қарашларнинг устуворлигига эришиш саналади. Ижтимоий тарбиянинг бошқа турлари каби маънавий-ахлоқий тарбия асосини ҳам илғор миллий, маънавий-ахлоқий кадриятлар, халқ педагогикаси ғоялари ташкил этади.

Маънавият шахс, халқ, давлат ва жамиятнинг куч-қудрати, тараққиёти, имкониятлари ва истиқболларини белгилаб берувчи ички ижобий, руҳий омилдир. Таълим-тарбиянинг миллий маънавий негизлари тўғрисида гапирганда маънавий-ахлоқий тарбия унинг асосий таркибий қисми эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Маънавий-ахлоқий тарбия ва унга қўйиладиган талаблар бу жамиятда маълум ижтимоий-ахлоқий талабларга мос ахлоқий хислатларни шакллантириш мақсадида ўқувчилар онги, ҳиссиётлари ҳамда хулқига мувофиқ ва тизимли таъсир этишдир.

Маънавий тарбия вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшларда маънавий-ахлоқий онгни шакллантириш.
2. Уларда маънавий-ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш ва ривожлантириш.
3. Ёшларда маънавий-ахлоқий хулқ-атвор кўникма ва одатларини таркиб топтириш.

Таълим-тарбиянинг маънавий негизлари моҳиятига кўра инсон онгининг жамият билан алоқадорлиги, жамият олдида бурчли эканлиги, ўз хулқ-атворини жамият тараққиёти даражасига боғлиқлигини тушуниши, жамият томонидан тан олинган ахлоқий меъёр, идеал ҳамда талабларни бажаришда масъулиятни ҳис этиши, маънавий-ахлоқий билимларнинг эътиқодга айланиши ва бу эътиқодларнинг тизимлилиги, мустақкам маънавий-ахлоқий ҳис-туйғу ва хислатларни шакллантириш, ўқувчилар томонидан маънавий-ахлоқий хулқ-атвор жамият аъзоларига бўлган ҳурмат-эътиборни намоён этувчи мезонлардан эканлигининг англаб етилиши, маънавий-ахлоқий одатларнинг шаклланиши ва бошқалардан иборат. [3].

Маънавий-ахлоқий тарбия мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятларни тиклаш масаласининг кун тартибига қўйиш заруриятининг юзага келганлиги муносабати билан туб ўзгаришлар юз берди. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари тўғрисида гапирилганда оиланинг роли ниҳоятда муҳим эканлигини унутмаслик даркор. Сабаби, инсон дастлаб оилада биринчи бор таълим ва тарбияни асослари билан танишади. Асрлар мобайнида шаклланиб келган урф-одатларимиз, қадриятларимиздан ҳабар топади.

Энг муҳим қадрият инсон омили ҳисобланади. Ҳаёт инсонга бир марта берилади, Шунинг учун ҳам миллий ва умуминсоний қадриятларда уни мазмунли, ўзгалар ва ўзининг ҳаёти маъносини англаган ҳолда ўтказиш кераклиги ҳақида кўплаб ривоят, ҳикмат ва панд-насихатлар мавжуд. Бундан ташқари таълим муассасасида ўқувчиларга қадрият сифатида муносабатда бўлиш ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Зеро, таълим тамойилларида энг муҳим, асосий тамойиллардан бири таълимни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш бўлиб, унинг асосий моҳияти ўқувчи шахсига инсоний муносабатда бўлишни, таълим жараёнини эркинлаштиришни талаб этади.

Маънавий-ахлоқий тарбияда яна бир энг қимматли қадрият эркинликдир. Таълимни демократлаштириш билан бирга шахс эрки ва ҳуқуқини ҳурмат қилиш ривожланади. Бу эса ўз навбатида ўқувчи шахсида масъулиятни ҳис этиш, онгли интизомга риоя этиш кўникмаларини тарбиялайди. Шунингдек, ватанпарварлик,

халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, масъулиятни ҳис этиш, бурч, ор-номус, виждонлилик, тартиблилик, адолатлилик ва бошқа хислатлар тарбияси катта аҳамиятга эга.

Текинхўрлик, наркомания, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, фаҳш, жоҳиллик каби салбий иллатлар ҳам ҳаётда учраб туради. Айниқса дунёда оммавий маданият каби ёт ғояларнинг тобора кенгайиб бориши жаҳонда таҳликали ҳолатларни юзага келтирмоқда. Шу ўринда таълим тизимида ҳам янгича ёндашувни даврнинг ўзи тақозо этди. Бу иллатлар инсоннинг ахлоқий қиёфасинигина эмас, балки ўзини ҳам емириб боради. Инсон ҳам маънавий, ҳам жисман ҳалоқ бўлади. Шу боис инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этиш ижтимоий тарбиянинг бошқа йўналишларидан устун қўйилиши зарур. Бинобарин, маънавий-ахлоқий тарбия ёш авлод тарбияси билан боғлиқдир. Агар тарбиянинг бошқа йўналишларида муайян тарбия (масалан, жисмоний, ҳуқуқий ва бошқалар) у ёки бу тарбиявий тадбирлар тизимида асосланса, маънавий-ахлоқий тарбияда эса ҳар бир тарбияланувчининг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, тарбиявий вазиятни инобатга олган ҳолда, яхлит тарбиявий ишлар режалаштирилади ва унга мос метод ҳамда усуллар танланади. [4].

Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари орасида маънавий-ахлоқий ҳис-туйғулар инсон томонидан, унинг воқеа-ҳодисалар, кишилар ҳамда ўз хулқида нисбатан ҳис-туйғуларни уйғотишга рағбат пайдо қилувчи тарбиявий ишлар тизими ташкил этилгандагина самарали кечади. Мазкур тизимда хулқ-атворни шакллантиришга оид тарбиявий ишлар акс этади. Шунга кўра маънавий-ахлоқий хулқ-одобга доир хислатларни шакллантиришга ундовчи рағбат билан ҳосил бўладиган фаолият энг асосий бўлиб ҳисобланади.

Шу ўринда маънавий-ахлоқий тарбиянинг тушунчаси тўғрисида ҳам фикр билдириш мақсадга мувофиқдир. Буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ахлоқ «инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдур», - дейди. Айнан ахлоқ, унинг ижтимоий аҳамияти ҳақида маълумот берувчи мазкур манбада аллома яхши ва ёмон хулқларга тўхталиб ўтади.[5].

Алломанинг нуқтаи назарича, яхши хулқлар қуйидагилардан иборат: фатонат (ақл), диёнат (эътиқод), назофат (поклик ва тозалик), ғайрат, риёзат (савоб ишлар), қаноат, шифоат, илм, сабр, ҳилм (юмшоқ табиат) интизом, нафс меъёри, виждон, ватанни суймак, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок ва зако, ҳифзи лисон (тил ва адабиёт), иқтисод, виқор (ғурур), муҳаббат, авф

(кечиримли бўлиш). Бу хислатлар маънавий-ахлоқлиликнинг асосий сифатлари саналади. Улар асосида Ватанга муҳаббат ва садоқат, меҳнатга ахлоқий муносабат, ўз атрофдагиларга ахлоқий ёндашув, шунингдек, ҳар бир ўқувчининг ўзи ва шахсий хулқ-атворида муносабатни қарор топтирилади.

Абдулла Авлоний ёмон хулқлар сирасига қуйидагиларни киритади: ғазаб, айш-ишрат, жаҳолат, сафоҳат (умри ва молини бекорчи нарсаларга сарф этиш), ҳамоқат (ўзбилармонлик, манманлик), ҳасосат (таъма, хирс), раҳоват (ғайратсизлик), анонийят (худбин, мутакаббир, манман), адоват (кек сақлаш), намимат (чақимчилик), ғийбат, ҳақорат, жибонат (қўрқоқлик), ҳасад, кизб (ёлғон), нифоқ, таъма, зулм ва бошқалар.

Тараққийпарварлардан яна бири Ибрат меҳнаткаш халқ бошидаги оғир ҳаёт, қашшоқлик, мамлакатнинг қолоқликда, халқнинг нодонликда қолганлигининг сабабларини аниқлашга, ундан қутқариш йўллари топишга ҳаракат қилди. Бир неча тараққий этган мамлакатларда бўлган Ибрат халқни зулматдан, мамлакатни қолоқликдан қутқарувчи бирдан-бир йўл илм-маърифатни эгаллаш деб тушунган эди.

Тараққийпарварларимиздан Маҳмудхўжа Бехбудий (1874-1919 йиллар) янги усул мактабларини ташкил қилиш билан биргаликда тарбия ишларини ҳам самарали тарзда ривожлантириб борган. Ўзининг таълим-тарбия, маънавиятга оид фикрларини “Ойна” журналида бериб борган. Бехбудий ўз ҳаёти давомида 200 дан ортиқ илм-маърифат, маънавият, тарбия ва ахлоқ масалаларига доир мақолалар ёзиб, матбуотда эълон қилган.

Таълим-тарбия ва миллий маънавият билан боғлиқ мамоларни Бехбудийнинг 1912 йили ёзган “Падарқуш” асарида яққол кузатишимиз мумкин. Асарда бой зиёли ўқитувчилар билан бўлган суҳбатда қуйидаги фикрни айтади: “Мани хаёлимда дунёнинг сабаби, иззати — бойлик”. Бой ўзининг ҳам саводсизлигини айтиб ўғли Тошмуродни ўқитишдан бош тартади. Натижада барча нарсани пул билан ўлчашга ўрганган Тошмурод отасини пули учун ўлдиришгача бориб етади. Асар сўнгида зиёли инсоннинг айтган гаплари нақадар ҳақиқатга мос келишини кўришимиз мумкин: “Бизларни хонавайрон, бачагирён ва беватан ва банди қилгон тарбиясизлик ва жаҳолатдур: беватанлик, дарбадарлик, асорат, фақру зарурат ва хорликлар ҳаммаси илмсизлик ва бетарбияликнинг меваси ва натижасидур. Асир ва забун бўлганлар беилмлиқдан. Модомики, бизлар тарбиясиз ва болаларимизни ўқутмаймиз, бул тарифа ёмон ҳодисалар ва бадбахтликлар орамизда доимо ҳукм-фармо бўлса керак. Бу ишларни йуқ бўлмоғига ўқумоқ ва ўқутмоқдан бошқа илож йўқдур. [6].

Таълим-тарбияни ривожлантириш, унинг миллий маънавий ва умумбашарий негизларини биргаликда олиб бориш ўша даврда ҳам муҳим аҳамият касб этганлигини кузатишимиз мумкин. Бироқ, юзага келган совет тузуми даврида таълим тизимида коммунистик мафкуранинг ҳукмронлик қилиши, ўзлимизга ҳос бўлмаган асосларни сунъий сингдиришга уринишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда, юзага келган муаммоларни ҳал қилиш учун юксак маънавий эътиқод ва сабр-тоқат билан одамларни уюштириш, улар дунёқарашида янги жамият таффақурини шакллантириш муҳим вазифа даражасига кўтарилди. Мамлакатимизда ана шу буюк масалаларни ҳал этиш жараёнлари кетмоқда. Шунинг учун ҳам президентимиз оғир иқтисодий муаммоларни ҳал этиш жараёнлари мураккаб ҳолатда кечаётганлига қарамадан ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлишларига, юксак маънавиятли ҳамда интеллектуал салоҳиятли кадрлар бўлиб етишишларини асосий вазифа сифатида белгилаб берди ҳамда уни амалга оширишда раҳбарлик қилмоқда. [7].

Ш.М.Мирзиев томонидан учинчи ренессанс даврини куриш учун ёшларимизнинг маънавияти, уларнинг таълим ва тарбиясини янада юксалтириш учун ислохотларимиз кўлами ва самарасини янада ошириш зарурати таъкидланди. Айнан, шунинг учун президентимизнинг Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида қуйидаги фикрларни кўриши мумкин:

“Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда **“Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”**, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга ошираемиз”. [8].

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил эканлиги Президентимиз томонидан илмий асосланган. Ҳақиқатдан ҳам жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибалари кўрсатиб турибдики, қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини қанчалик мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига қўшадиган ҳиссалари шунчалик самарали бўлади, маънавият юксалади ва мамлакатнинг ҳозирги замон жаҳон цивилизация тизимига кириб бориши тезлашади. [9].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий маънавий негизлари глобаллашув даврида ўзига ҳос икки хил вазифани бажармоқда.

Биринчидан, таълим-тарбиянинг миллий маънавий негизлари глобаллашув ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсирларидан ёшларимизни сақлаб турувчи, уларни маънавий қадриятларимиз негизида тарбияловчи ўзига ҳос бир асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, миллий-маънавий қадриятларимиз умумбашарий қадриятларни ўзига қабул қилиб, таълим-тарбиянинг самарадорлигини ошишига, ривожланишга таъсир кўрсатмоқда. [10].

Фикримиз сўнгида юқоридги мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари мураккаб, ўзига ҳос тушунча бўлиб, асрлар мобайнида аجدодларимиз томонидан ушбу соҳада шаклланган тажрибалари асносида юзага келган ва энг асосийси ушбу тажриба вақт синовларидан муваффақиятли ўта олган.

– Ўзбекистон ҳудудида таълим-тарбия ва миллий маънавият бўйича аجدодларимиз бизга улкан мерос қолдиришган. Ана шу тажрибадан тўғри фойдаланиш ва шу билан бирга, таълим ва тарбияда инсон омилини биринчи ўринга қўйишимиз лозим.

– Бугунги кунда таълим ва тарбия тизимини тўхтовсиз ривожланиши, илмий янгиликлар билан бойиб бориши зарурлигини тушунишимиз ва бу йўналишда умумбашарий тамойилларга мурожат қилишимиз, ҳорижий мамлакатлар фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланишимиз муҳим аҳамият касб этади.

– Умумбашарий қадриятлар ва тамойилларга мос равишда ёшларимиз меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишлари, хорижий тилларни яхши ўзлаштиришлари, ахборот технологияларидан, замонавий билимлардан, ҳабардор бўлишлари, мутахассисликлари бўйича чуқур назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари талаб қилинади.

– Юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларимиз ўзлигини англаган, миллий-маънавий қадриятларимиздан ҳабардор бўлган ва энг асосийси Ватанимиз тараққети учун бор билим-салоҳиятини ишга соладиган бўлишлари ҳеч шубҳасиз янги мазмундаги таълим-тарбия тизимимизнинг пировард мақсади бўлиши керак.

REFERENCES

1. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Мулоқот журнали, № 5, 1998 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. –б.65
3. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистонда илм-фан ҳолати, тараққиёт йўналишлари (1980-2010 йиллар). Монография.“Qadnus media” нашриёти, Тошкент. 2020. -б.58
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент.“Маънавият”.2008.- б.19
5. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.- б.35
6. Бехбудий М. Падаркуш. Ziyo.uz. –б. 40-49.
7. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистон фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар билан илмий - техникавий алоқалари. ҚарДУ хабарлари Илмий-назарий, услубий журнал. Махсус сон (Ижтимоий фанлар).Қарши.2020.-б.254-258
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. № 276. 30.12.2020.
9. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Япония билан илмий - техникавий алоқалари. Academic Research in Educational Sciences, 2021. 2 (Special Issue 1),-б.312-318.
10. Жаҳонгиров Бурхон Бўронович. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари. Ўтмишга назар журнали. 2021. 2 сон, 4 жилд. –б.16-21.